# Юридик шахсларнинг алоҳида ставка қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тақдим этиши бўйича УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида солиқ тўловчилар эгалигидаги кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига масофадан турган ҳолда тақдим этишлари учун интерактив хизмати жорий этилди.

Интерактив хизматдан фойдаланиш учун **my3.soliq.uz** сайтига кирилади ҳамда “Барча хизматлар” бўлими танланади.




**1 расм.** **Интерактив хизматдан фойдаланиш**




**2 расм.** **Интерактив хизматга кириш**

@soliqnews

Ушбу бўлимдан “Юридик шахслар” қисмига ўтилади ва “Алоҳида ставка қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар” хизмати танланади.




**3 расм**

**1-бўлим**. Камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектлари мавжуд бўлган корхоналар томонидан тўлдирилади.




**3.1 расм**

Кўчмас мулк объектини қўшиш функциясини танлаш орқали камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектнинг кадастр рақами танлаб олинади.

@soliqnews




**3.2 расм**

Кадастр рақами танланганидан сўнг, камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган керакли объект тури танланади ҳамда ер участкасининг майдони ва кўчмас мулкнинг қолдик қиймати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда киритиб, асословчи ҳужжатлар (jpg/pdf) бириктирилади.




Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, “Юбориш” тугмаси босилади.

!!! Агар солиқ тўловчи бир неча объектлар мавжуд бўлса, ҳар бир объект учун маълумотлар юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади.

Юборилган мурожаатларни солиқ органлари томонидан қабул қилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги ҳолатни текшириш учун “Камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектлар” ойнасидан текшириш мумкин.

**4 расм. 2-бўлим.** Норматив муддатида қурилиши тугалланмаган объектлари мавжуд бўлган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

@soliqnews

Ҳизматдан “Норматив муддатида қурилиши тугалланмаган объектлар” бўлими танланади.




**4.1 расм**




**4.2 расм**

Объект қўшиш функцияси орқали керакли кадастр рақамини танлаб қўшиш тугмаси босилади.




**4.3 расм**

Шунданг сўнг, норматив муддатида қурилиши тугалланмаган объектнинг ер майдони ва мулк қиймати ваколатли орган томонидан қурилишга рухсат сана ва лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича қурилишни якунлаш санаси киритиб асословчи *(лойиҳа смета ҳужжатлари в.б)* ҳужжатлар (jpg/pdf) бириктирилади.

@soliqnews




Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, “Юбориш” тугмаси босилади.

!!! Агар солиқ тўловчи бир неча объектлар мавжуд бўлса, ҳар бир объект учун маълумотлар юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади.

5 расм

**3-бўлим.** Солиқ солиш объекти хисобланмайдиган кўчмас мулк объекти ва ер участкалари мавжуд бўлган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

Ҳизматдан “Солиқ солиш объекти хисобланмайдиган кўчмас мулк объекти ва ер участкалари” бўлими танланади.




5.1 расм




Объект қўшиш функцияси орқали керакли кадастр рақамини танлаб қўшиш тугмаси босилади.

5.2 расм

@soliqnews




Шундан сўнг, солиқ солиш объекти ҳисобланмайдиган объектнинг ер майдони ва мулк қиймати бўйича тегишли маълумотлар киритилиб *(ер ажратиш тўғрисидаги қарор)* ҳужжатлар (jpg/pdf) бириктирилади.




@soliqnews

Барча қаторларга сўралган маълумотлар тўлиқ киритилгач, “Юбориш” тугмаси босилади.

!!! Агар солиқ тўловчи бир неча объектлар мавжуд бўлса, ҳар бир объект учун маълумотлар юқорида кўрсатилган тартибда алоҳида киритади.

**6 расм**

**4-бўлим.** Кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

**6.1 расм**




**6.2 расм**

Объект қўшиш функцияси орқали керакли кадастр рақамини танлаб қўшиш тугмаси босилади.




Шунданг сўнг, кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари давлат рўйхатидан ўтказилган сана, солиқ тўлаш мажбурияти юзага келадиган сана, мулк майдони ва мулк қиймати бўйича тегишли маълумотлар киритилиб *(асослантирувчи хужжатларни)* (jpg/pdf) бириктирилади.

**6.3 расм**




@soliqnews

**7 расм**

**5-бўлим.** Кўчмас мулк объектининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ҳамда ПҚ-208-сонли қарорга асосан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектлар юзасидан тўлдирилади.

**7.1 расм**




**7.2 расм**

Объект қўшиш функцияси орқали керакли кадастр рақамини танлаб қўшиш тугмаси босилади.




Шундан сўнг, Кўчмас мулк объектининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати тўлдиради ва асослантирувчи хужжатларни бириктирган ҳолда солиқ органларига юборади.

**7.3 расм**

@soliqnews




Агар солиқ тўловчининг кўчмас мулк объектининг таркибида ПҚ-208-сонли қарорга асосан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектлари мавжуд бўлган тақдирда **ПҚ-208-сонли қарорга асосан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектларга** алохида белги қўйган ҳолда минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектларнинг мулк майдони ва қолдиқ қиймати тўлдирган холда *(асослантирувчи хужжатларни)* (jpg/pdf) бириктирилади.

**7.3 расм**




**6-бўлим.** Давлат рўйхатидан ўтмаган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари мавжуд объектлари мавжуд солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

**8 расм**

@soliqnews




Дастлаб тизимдан “**Давлат рўйхатидан ўтмаган кўчмас мулк объектлари ва ер участкалари**” бўлими танланади.




@soliqnews

Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатлар **“Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар ва ер участкалари”** тизимининг мурожаатлар бўлимига келиб тушади.

Мурожаатларда кўрсатилган маълумотлар ҳудудий давлат солиқ бошқармалари томонидан ўрганиб чиқилиб, уларнинг тегишли хулосаси асосида қабул қилинади.

Солиқ тўловчилар ўз мурожаатлар ҳолатини “Юборилган мурожаатлар” бўлимида реал вақт режимида кузатиб боришлари мумкин.

**9 расм.**

Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатлар солиқ органлари томонидан қўйидаги тартибда қабул қилган ҳолда кадастр органлари юборадилар.




**10 расм.**

**Юборилган мурожаатларни ўрганиш ҳамда қабул қилиш.**

Солиқ тўловчилар томонидан юборилган мурожаатлар **“Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган объектлар кўчмас мулк объектлари ер участкалари”** ахборот тизимига келиб тушади.

Ушбу аризалар худудий солиқ бошқармалари ҳамда йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда 3 иш куни ичида кўриб чиқилиб қабул қилиш ёки рад қилиш тугмаси босилади.

**Камайтирувчи коэффициент қўлланиладиган объектлар**

200523221 | Кадастр рақами... | Вилоят | Туман | Ҳолати | Сана дан | Сана гача

| № | Мурожаат рақами санаси | Кадастр рақами | Вилоят | Шаҳар / Туман | СТИРи | Корхона номи | Мурожаат тури | Ҳолати | Ҳаракат |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 3293 - 24/01/2023 | 10:11:01:02:02:6179:0001:0999 | Тошкент шаҳар | Миробод тумани | 200523221 | 4-SON QURILISH TRESTI | Магистрал нефт ва газ қувурлари ва иншоотлар | Қабул қилинди | Кўриш |
| 2 | 3289 - 24/01/2023 | 10:11:02:03:02:5941/055 | Тошкент шаҳар | Миробод тумани | 200523221 | 4-SON QURILISH TRESTI | Электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлар | Рад етилди | Кўриш |

Қабул қилинган мурожаатлар мол-мулк ва ер солиғи ҳисоботларида автоматик равишда шакллантирилади.

@soliqnews